

426 - وَعَنْ أَيِّ هُرِيرَةَ أَوْ أَيِّ سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا - شَلَّقُ الرَّاوِي، وَلَا يَضُرُّ الشَّكُّ فِي عَيْنِ الصَّحَابِيِّ؛ لَا كُلُّهُمْ عُذُولٌ - قَالَ: لَمَّا كَانَ يَوْمُ غَرْوَةَ تَبُوكَ، أَصَابَ النَّاسَ مَجَاعَةً، فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ لَوْ أَذِنْتَ لَنَا فَتَحَرَّنَا تَوَاضِعَنَا، فَأَكْنَا وَادَّهَنَا؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «افْعُلُوا» فَجَاءَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ إِنْ فَعَلْتَ قَلَّ الظَّهَرُ، وَلَكِنْ ادْعُهُمْ بِفَضْلِ أَزْوَادِهِمْ، ثُمَّ ادْعُ اللَّهَ لَهُمْ عَلَيْهَا بِالْبَكَةِ لَعَلَّ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَ فِي ذَلِكَ الْبَكَةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَعْمَ» فَدَعَا بِنِطْعٍ فَبَسَطَهُ، ثُمَّ دَعَا بِفَضْلِ أَزْوَادِهِمْ، فَجَعَلَ الرَّجُلُ يَجْيِءُ بِكَفِّ دُرَّةٍ وَيَجْيِئُ الرَّجُلُ بِكَفِّ تَمْرٍ، وَيَجْيِئُ الْآخَرُ بِكِسْرَةٍ حَتَّى اجْتَمَعَ عَلَى النِّطْعِ مِنْ ذَلِكَ شَيْءٌ يَسِيرٌ، فَدَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْبَكَةِ، ثُمَّ قَالَ: «خُذُوا فِي أُوْعِيَتِكُمْ»، فَأَخْذُوا فِي أُوْعِيَتِهِمْ حَتَّى مَا تُكْوِنُ فِي الْعَسْكَرِ وَعَاءٌ إِلَّا مَلَؤُوهُ، وَأَكْلُوا حَتَّى شَبِيعُوا وَفَضَلَ فَضْلَةً، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَشْهُدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنِّي رَسُولُ اللَّهِ، لَا يَلْفَقُ اللَّهُ بِهِمَا عَبْدٌ غَيْرُ شَاكِ، فَيُحْجَبَ عَنِ الْجَنَّةِ» رَوَاهُ مُسْلِمٌ [27/45].

426. Абу Ҳурайра розияллоху анху ёки Абу Сайд ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

(Ровий шак қилди. Лекин сахобалар наздидаги шакнинг зарари йўқ. Чунки уларнинг барчалари одилдир.)

«Табук ғазотида одамлар оч қолиб кетишиди. «Эй Аллоҳнинг Расули, изн берсангиз, сувчи туяларимизни сўйиб еб, ёғини ғамлаб олсак», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Майли**», дедилар. Шу пайт Умар келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, агар бунга рухсат берсангиз, улов камайиб кетади. Қолган егуликни опкелтириб, барака тилаб, Аллоҳга дуо қилинг,

шояд, Аллоҳ барака берса», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Хўп», дедилар ва бир чарм тӯшама опкелтириб, ёздилар. Сўнгра қолган егуикларни опкелтирдилар. Бирор ҳовуч жўхори, бошқа киши бир ҳовуч хурмо, яна бошқаси бир бурда қотган нон олиб келди. Ҳалиги тӯшамада шулардан иборат озгина егулик тўпланди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга барака тилаб дуо қилдилар. Кейин: «**Идишларингизга солинглар**», дедилар. Улар идишларига солишиди, ҳатто қўшинда тўлмаган бирорта идиш қолмади. Тўйгунча ейишиди, озгина ортиб ҳам қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва мен Аллоҳнинг Расулиман. Банда Аллоҳга мана шу икки нарсага шак қилмаган ҳолда йўлиқса, жаннатдан тўсилмайди**», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадисдан олинадиган хulosалар:

- Бошлиқ маъракада қўшинлар билан бирга юриши. Бундай қилиши уларга кувват ва сабот улашади.
- Саҳобаларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан одоблари. Улар яхши қўрган ишларида у зотдан изн сўрашар эди. Демак жамоа бошлиқни изнисиз тасарруф қилмаслиги. Акс ҳолда бу нарса зарар олиб келади.
- Умар розияллоҳу анҳунинг ўткир фикрли, гўзал тадбирли ва чуқур билимли эканлари.
- Салаф солиҳларнинг ҳаётлари маслаҳат ва машварат устига қурилгани, Аллоҳ уларни энг тўғри ишларга ҳидоят қилгани.
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар розияллоҳу анҳуга нисбатан тавозуз қилганлари. Чунки Умар розияллоҳу анҳунинг фикрларида умум манфаат бўлган.
- Мусулмонлар барча ишларида ўзаро ёрдам қўлини чўзишлари. Мана саҳобалар авлоди ўзларидаги ортиқча нарсаларни олиб келиб, эҳсон қилишиди.

Бирор ҳовуч жўхори, бошқа киши бир ҳовуч хурмо, яна бошқаси бир бурда қотган нон олиб келди.

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда мўъжиза содир бўлгани исботлангани. Овқат кўпайиши у зотда бир неча марта содир бўлган.
- Тавҳид калимасининг фазилати. Модомики тавҳид сохиби шак қилмас экан

у жаннат калити экани.

Манба: hadis.islom.uz

